
Обод юрт-фаровон юрт

Олтиариқ туманида ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ишлари қизғин тус олган. Кўча ва гузарлар, аҳоли хонадонлари, зиёратгоҳ ва қабристонлар ҳамда барча инфратузилма объектларида ободончилик тадбирлари амалга оширилмоқда. Мавжуд 72 та маҳаллаларда ҳашарлар уюштирилиб, шу кунгача 432 та кўчалар тозаланди. 2600 дан ортиқ хонадонларда деворлар оқланди, 1218 та хонадонлар таъмирланди, 235 километр ариқ ва зовурлар, ирригация тармоқлари тозаланди, 38 та қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари бажарилди, 16900 дона дарахтларга ишлов берилди.

Худудлардаги Маҳалла фуқоролари йиғинлари томонидан уюштирилган ҳашарларда 22000 нафарга яқин аҳоли вакиллари иштирок этдилар.

Шу жумладан 359 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг хонадонларида ҳам жамоатчилик кўмаги билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

2022-08-11 16:28:30